

# Qishloq hayoti

2012 йил **Муस्ताқкам оила** йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 19-ОКТАБР, ЖУМА, 122 (8047)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Баҳоли келтирилган нархда.



Қизилтепадаги "Зулфизар қурилиш савдо" хусусий корхонаси Германиянинг "Вахтел" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда бир кеча-кундузда 2 тонна ун қайта ишланиб, 20 турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйилди.



Олимпларнинг фикрларига қараганда, Хоразм вилояти табиатан сув йиғилиш минтақасига кириб, сизот сувларининг секин оқиши ва намлик кўпинча тик ҳолда алмашииб — буғланиб туриши сабабли тулроқлари шўрланишга мойилдир. Орол денгиздаги экологик ҳолатнинг ёмонлашуви эса шўрланишни янада кучайтирмақда...



Бу йил ўзбек футболни учун галабаларга бой бўлмоқда: Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпиони, мамлакатимиз ногиронлар терма жамоаси кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Пойтахтимизда ушбу терма жамоалар аъзоларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 18 октябрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси, Ўмон Султонлиги, Чехия Республикаси, Эрон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Аристид Эмиль Фенстер, Муҳаммад бин Санд бин Муҳаммад ал-Лаватий, Гинэк Пейха, Али Мардоний Фард ишонч ёрликларини топширди.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари элчиларни қутлар экан, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхона раҳбари лавозими ўзаро муносабатларни мустақкамлаш, тузилган шартнома ва битимларни амалга ошириш йўлидаги масъулиятли ва шарафли вазифа эканини таъкидлади, дипломатларга муҳим миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Мамлакатимизда Германия билан муносабатларга хорижий давлатлар билан муваффақиятли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридан бири сифатида қаралади. Икки томон ҳам сиёсий-дипломатик, иқтисодий, сарможий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистонда Германиянинг "МАН", "Клаас", "Кнауф" каби ҳамда ўз соҳаси бўйича дунёда етакчилик қиладиган бошқа компаниялар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузилган ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларнинг сифатли ва замонавий маҳсулотлари ҳам ички бозорда, ҳам қўшни мамлакатларда харидордир.

Сўхбат чоғида ГФР элчиси Германия ва Ўзбекистон кўп қиррали алоқаларини кенгайтириш учун катта имкониятларга эга эканини ва бу борада бор куч-ғайратини сарфлашга тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ўмон ўртасидаги ҳозирги дўстона муносабатлар тарихий алоқаларнинг, халқларимиз маданий ва маънавий муштараклигининг мустақкам пойдевори асосига қурилган.

Бугунги кунда аксарият халқлар ва минтақавий муаммолар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ва яқин. Ўзбекистон ва Ўмон БМТ, Ислам ҳамкорлиги ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ҳамкорликни фаоллаштирмақда.

Учрашувда савдо-сотиқ, иқтисодий, сармоя, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон-Ўмон алоқаларининг устувор йўналишларидан экани, томонлар айна шу соҳаларда катта салоҳиятга эгалиги таъкидланди. Шу билан бирга, маданий-гуманитар алоқаларни, жумладан, сайёҳлик соҳасидаги мавжуд салоҳиятни рўйбга чиқаришни рағбатлантириш муҳим аҳа-

миятга эга. Ўмон элчиси ислом цивилизациясининг шаклланишида тарихий аҳамият касб этган, бугунги Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда асосий ўрин тутаяётган Ўзбекистонда ўз мамлакатининг вакили бўлиб фаолият юритишни ўзи учун катта шараф деб билишини қайд этди.

Чехия дипломатик ваколатхонаси раҳбари билан сўхбат чоғида Ўзбекистон Президентининг 1997 йил январь ойида Чехияга расмий ташрифи давомида асос солинган ҳамкорликни ривожлантиришга икки томон ҳам муҳим аҳамият бериши таъкидланди.

Бугунги кунда турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўпланган. Ўзбекистон-Чехия алоқаларини, аввало, савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асослар яратилган.

Гинэк Пейха ўзаро мулоқотларни янада ривожлантиришни, ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини кенгайтиришни ўзининг асосий вазифаси, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги давлатлараро муносабатлар нафақат тарихий алоқалар, балки ҳамкорликнинг замонавий таърихида ҳам асосланади.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин ўтган 20 йил мобайлида Ўзбекистон-Эрон ҳамкорлиги томонларни қизиқтирган барча соҳаларда изчил ривожланиб келмоқда.

Томонлар савдо-сотиқ, иқтисодий, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни тараққий эттиришга устувор аҳамият беради. Икки мамлакат ҳам Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон-Қатар транспорт йўлига тўғрисидаги битимнинг амалиётга татбиқ этилиши икки томонлама асосда ва минтақалараро миқёсда ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Эрон элчиси Ўзбекистондаги миссиясининг асосий мақсоди икки томонлама муносабатларни янада мустақкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат эканини таъкидлади.

## САНОАТИМИЗНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ САЛОҲИЯТИ



Тошкент шаҳрида 17-18 октябрь кунлари VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Форумда иқтисодий таъминнинг муҳим тармоқлари тараққиёти намойиш бўлди. Унда дунёнинг 38 давлатидан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият юритаётган компанияларнинг мингдан зиёд вакиллари иштирок этди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анъанавий форум соҳа мутахассислари ва трейдерлар, йирик савдо ва ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари, иқтисодчилар, олимплар учун муҳим тадбирлардан бирига айланди.

Ўзбекистонда пахта етиштириш, уни қайта ишлаш борасида жуда катта тажриба ва салоҳият тўпланган. Айна пайтда юртимиз дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш борасида учинчи ўринда туриши ҳам фикримизнинг исботидир. Республикада бир йилда ўртача 3,5 миллион тонна пахта хомашёси етиштирилиб, ундан 1,1 миллион тонна тола олинади. Ўзбек пахта толаси саноатбopлиги, толасининг узунлиги, пишшиқлиги, ранги ва микронейр



кўрсаткичлари билан ажралиб туриши дунё саноатчилари, ишбилармонларининг унга қизиқишини тобора оширмақда. Кейинги йилларда республикада пахтадан қайта ишлаш борасида, хусусан, тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидаги ижобий ютуқлар ҳам хорижий ишбилармонларнинг назаридан четда эмас. Буни форумнинг кечаги иш куниндаги тадбирлар, иштирокчиларнинг қизиқишу эътирофлари ҳамда ҳамкорликни

кенгайтириш борасидаги келишув ва шартномалар ҳам кўрсатиб турибди. Форум иштирокчилари мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида пахта ва тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни жойларга бориб кўришди. Мамлакатимиз пахта тозалаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар тола сифатини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг "2007 - 2011 йилларда пахта тозалаш соҳасида корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори асосида барча пахта тозалаш заводлари реконструкция ва модернизация қилинди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 22 фоиздан ошди, тола сифати ҳам ортди. Хусусан, Тошкент вилоятидаги "Ўзбекистон" пахта қайта ишлаш заводида ҳам кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди.

Эски технологиялар ўрнига хориждан қуришти, тозалаш, тола ажратиш ва тойлаш ускуналари келтирилиб, ўрнатилди. Улар ёрдамида бир кеча-кундузда 180 тоннага яқин хомашёни қайта ишлаш мумкин. Корхонанинг бир йилдаги ишлаб чиқариш қуввати 20 минг тоннани ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, соҳага янги технологиялар олиб кирилиши баробарида илғор тажрибалар ҳам амалиётга татбиқ этилаётди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОАВНИНГ ЎРНИ

Миллий матбуот марказида босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда 2012-2016 йилларда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустақкам-

моддий-техник базасини мустақкамлаш, модернизация қилиш, ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш комплекс чоралари ишлаб чиқилгани айна муддао бўлгани эътироф этилди.

Баҳо-мунозараларга бой бўлган тадбирда юртимизда

бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустақкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Саида РАҲМОНБЕРДИЕВА

Сурхонгарё Вилояти

## ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — МУСТАҚКАМ ИҚТИСОДИЁТ ДЕМАК

Қизилқум тумани фермерлари ҳам истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, юксак натижаларга эришмоқдалар. Жорий йил пахтачилик учун қулай келди. Давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилди. Пахтазорларда мўл ҳосил яратилди. Бу бугунги кунда — ҳосил йиғиштириб олинган бир даврда янада ёрқин намойиш бўлмоқда. Ҳосилдорликни ошириб, катта хирмон уяётган пахтакор фермерлар сафи кун сайин ортиб бормоқда.

Пешқадам фермерлардан бири "Меҳнатобод" СИУга қарашли Эшбўри Шерматов раҳбарлигидаги "Шербой Мамаарасулов" хўжалигидир. Мазкур жамоа бу йил 42,3 гектар майдонга "Бухоро-102" навли чигит қадаб, шартномавий режадаги 110 тонна ўрнига 120 тонна пахта топширишди. Бу борада хўжалик аъзоларидан Алишер Алламуродов, Мурод Ражабов, Амир Ончилдиев ва Чори Шерматовларнинг меҳнати таҳсинга сазовор бўлди. Қизилқумда илғор фермерлар жуда кўп. "Аслиддин Чори ўғиллари", "Усанбобо", "Қизилқум олин толаси", "Нортожи Холмирзаев", "Истара олин тола", "Нурбек Жабборов", "Тиллакамар-Бандихон", "Тўлқин Қорақулов", "У.Баҳодир", "Поён бобо Қувондиқов", "Хамқонобод", "Асиббек Темиров", "Темур Пухтаев" каби ўнлаб

фермер хўжалиklarининг ҳар бири гектаридан ўртача 30-35 центнердан юқори ҳосил олишиб, режани ортиги билан баҳардилар.

— Жорий йилда қишлоқ хўжалигидаги ютуқларимизнинг омилли сўнги уч йилда туманда мелiorация-ирригация ишларининг яхшиланиши билан боғлиқ, — дейди туман ҳокими Олим Алимуродов. — Биргина 2012 йилда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга 6,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Давлатимиз томонидан фермерларга яратиб берилётган ана шундай имкониятлар туфайли улар мўл ҳосил етиштиришмоқда.

"Қизилқум тола" акциядорлик жамиятига қарашли "Гиламбон", "Қунчиқ", "Тақия", "Пахтакор" ва "Ойбек" пахта қабул қилиш масканларида ҳосил қабул қилиб олинмоқда. Улар



барча зарур техникалар ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминланганлиги боис, иш самарадорлиги ҳам бирмунча ошди. Энг муҳими, жорий йилда етиштирилган хомашёнинг аксарияти биринчи навга қабул қилинди. Бу даромаднинг янада ошишидан далолат.

Чори ЖУМАКУЛОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

(Давоми 2-саҳифада)

# САНОАТИМИЗНИНГ МУҲИМ ТАРМОҚЛАРИ САЛОҲИЯТИ



(Боши 1-саҳифада)

Бу ерда тадбир иштирокчилари жорий йилги пахта ҳосили, пахта тозалаш жараёни, соҳадаги илғор технологиялар билан танишишди. Янгиланишлар ва ўзгаришлар чет эллик ишлаб чиқарувчилар ва ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди.

Форум иштирокчиларининг таъкидлашча, жаҳон бозоридаги ҳиддий рақобат шароитида ўзбек пахтасининг шуҳрати ошиши, унинг сифати ҳамда етказиб бериш инфратузилмасининг барқарор фаолиятидир. Мамлакатимизда пахтани сотиш бўйича барча хизматларни кўрсатадиган, толали сақлайдиган ҳамда жўнатишни таъминлайдиган терминаллар тармоғини ўз ичига олган замонавий инфратузилма ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги 22 та минтақавий пахта терминаллари ичида "Тошкент-Тола" терминали энг йириги ҳисобланади. 45 минг тонна пахта толасини қабул қилиш, сақлаш ва экспортга жўнатиш имкониятига эга терминалда 7 та омборхоналар мавжуд. Замонавий техникалар ёрдамида Тошкент вилоятидаги 9 та пахта тозалаш заводига қайта ишланган тола мазкур терминал орқали миқозларга етказиб берилмоқда. Ўзбекистон "Сифат" марказининг бу ердаги лабораторияси толани қабул қилиш ва таснифлаш ишларини амалга оширади. Шунингдек, терминалда толани фумигациялаш, фитосанитар сертификатлаш ҳамда бохжона кўригидан ўтказиш каби

муҳим тадбирлар бажарилади.

Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва уни юқори кўшимча қўйматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш давомида тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланмоқда. Янги корхоналар ишга туширилиб, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ортиб бормоқда. Энг муҳими, пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳамжи ошмоқда. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 2011 йилда 40 фоизга ўсди. Ҳисоб-китобларга кўра, яқин йиллар ичида Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасининг 70 фоизгача бўлган қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади.

Бу жараёнда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриямал вазифасини ўтаётди. Бугун мамлакатимизда 2,2 мингдан ортиқ энгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 280 дан ортиги "Ўзбек-енгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси таркибига кириди. Шу билан бирга, кўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳар йили ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилмоқда. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифатини ошириб, рақобат-

бардошлигини таъминламоқда, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда энгил саноат маҳсулотлари дунёнинг 40 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йirik "Uztext" компаниялари гуруҳи томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам харидорчилиги билан ажралиб туради. Айни пайтда компания фабрикаларида ип, сурп, гулли матолар, эркаклар, аёллар ва болалар учун бежирим кийимлар ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бу ерда ҳар йили қарийб 6400 тонна турли усулда йиғилган ип, 5400 тонна бўйланган трикотаж полотно, 6 миллион дона тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилаётди.

Форум қатнашчилари бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан танишган "Uztext-Tashkent" корхонасида йиғирув ишлаб чиқариши йўлга қўйилган.

– Корхонамиз 2010 йилда фао-

мат қилмоқда.

Пахта толасини қайта ишлаш соҳасида кўп асрлик анъаналарга эга тўқимачилик саноати бугунги кунда мамлакатимиз макроиқтисодиёт комплексига муҳим ўрин тутади. Яқинда пойтахтимизда "Rieter Uzbekistan" хорижий корхонаси фаолият юрита бошлади. Форум иштирокчилари ушбу корхонада бўлишди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Rieter AG" жаҳонда калта туқли ип йиғиришда фойдаланиладиган тўқимачилик техникаси ва эҳтиёт қисмлари бозорда етакчи компания ҳисобланади.

"Rieter Uzbekistan" хорижий тўқимачилик машинасозлиги корхонасини ташкил этишдан аввал "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси ва Швейцариянинг "Rieter AG" компанияси ўртасида музокаралар ва маслаҳатлар ўтказилди. Натижада 2011 йилда стратегик шериклик тўғрисида шартнома имзоланди ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда

Лойиҳанинг биринчи босқичида лентали ва тароқ машиналарини, иккинчи босқичида ҳалқали йиғирув машиналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, учинчи босқичда металда қайта ишлов бериш ҳамда кукун билан бўяш цехларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқариш қувватининг дастлабки навбати фойдаланишга топширилди ва бунинг натижасида 40 та янги иш ўрни очилди.

Ярмаркада "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси хузурида фаолият кўрсатаётган "Шарқ либослари" дизайн маркази либослар намойишини ҳам ташкил этди. Дизайнерларимиз томонидан жаҳон мода саноати тенденциялари ва миллий анъаналаримиз, минтақамизнинг иссиқ климат шартлари ҳисобга олинган ҳолда, ўзимизнинг табиий матолардан тайёрланган ранг-баранг либослар моделлари хорижий иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу йилги ярмарканинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда мамлакатимиз худудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир янги лойиҳалар тақдим этилди. Хорижий иштирокчилар доиралар вакиллари мамлакатимиз тўқимачилик саноатига сармоа киритишдан манфаатдор эканини таъкидладилар.

Ярмаркада 670 минг тонна Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 600 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажимдаги шартномалар тузилди. Ярмарка низоҳасига етган бўлса-да, шартномалар тузиш давом этмоқда. Зеро, юртимизда етиштирилган пахта ва ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб катта. Форум иштирокчилари таъкидлашганидек, Президентимиз раҳнамолигида пахта ва тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида унинг шуҳрати янада ошиб бормоқда.

Анвар КУЛМУРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



лият бошлаган эди, – дейди кейинчалик уларни Ўзбекистон бозорида маҳаллийлаштиришни кўзда тутадиган лойиҳани амалга ошириш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинди. Лойиҳани ҳаётга таъбиқ этишдан асосий мақсад мамлакатимиз энгил саноат корхоналарини миллий валютадаги рақобатбардор нархлар ва қулай муддатларда юқори технологик ускуналар билан таъминлашдан иборат.

– Ер бамисоли бир ҳазина, – дейди Суон ака. – Иккита иссиқхона лимон парварилаш, яхшигина даромад олаётган. Лимон етиштириш кўп меҳнат талаб қилса-да, бу бизни чўчила олмайди. Жорий йилда яна иккита иссиқхона қурмоқчимиз. Кишлоқ одамлари орасида иссиқхона қуриш, паррандачилик, асарличилик каби сердаромад тармоқларни ривожлантиришга қизиқиш тобора кўнаймоқда. Шу билан бирга, чорвачилик билан шуғулланаётган шахсий ёрдамчи ҳўжаликлар ҳам кўпайиб бораётди. – Чорвачилик билан шу-



## ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК САМАРАЛАР БЕРМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Тору СУЭХИРО, JETRO – Япония ташқи савдо ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари: – Ташкилотимиз Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича шўғулланади. Японияда Ўзбекистонга иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат сифатида алоҳида эътибор билан қаралади. Мамлакатингизда тўқимачилик саноатини изчил тараққий эттиришга улкан эътибор қаратишмоқда. Зеро, бу соҳа иқтисодий ривожланишнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Бу борда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси томонидан изчил савдо-иқтисодий алоқалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда толаси пишқ, юксак сифатли, барча зарур стандартларга жавоб берадиган пахта етиштирилади. Бу кўплаб давлатларни мамлакатингиз билан пахта бизнеси йўналишида фаол ҳамкорлик қилишга, Ўзбекистон пахта бозорини муттасил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаш мамлакатингизда пахта ишлаб чиқаришга қаратилаётган катта эътибор самараларидандир.

Бугун дунёда табиий маҳсулотлардан кийим кийиш кенг урфа қилмоқда. Бу соғлиқ учун ҳам фойдали. Шу боис ўзбек пахтасига талаб тобора ошаётди. Ўзбекистоннинг пахта бозорига яратилган улкан имкониятлар ва қулай шарт-шароит Япония компанияларини мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга, бу ерга сармоа киритишга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда.

Зарик ЖАМИЛ, «Farhan Cotton Merchants» компанияси президенти (Покистон):

– Президентимиз пахта савдоси билан шўғулланади. Мазкур ярмарка жаҳон пахта бизнесини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Юксак савияда ташкил этилган ушбу анжуман Ўзбекистон пахтачиларига сўнгги ютуқлар, хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёни билан яқиндан танишиш имконини берганидан мамнунимиз. Ярмаркада, шунингдек, жаҳон пахтачиларининг янгиланган, янги анъана ва тенденциялар юзасидан фикр алмашдик.

Ўзбекистон нафақат пахта экспорт қилувчи, балки уни қайта ишловчи саноат ривожланган мамлакатга айланиб бормоқда. Ярмаркада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспозицияси кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотгани бунинг ёрқин далилидир.

Аҳмад ФАСАБИЙ, «Electro Moved» компанияси раиси (Эрон):

– Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ҳар йили ўтказилаётган ушбу халқаро пахта ярмаркаси пахта етиштирувчилар билан харидорлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Ушбу ярмаркада мен ҳам бир неча йилдан буюн иштирок этиб келяман. Мазкур нуфузли анжуманда барча мутахассислар ва саноатчиларнинг мамлакатингиз ишбилармонлари билан музокара олиб бориш ва шартномалар тузиши учун ҳар гал зарур қулайлик ва имкониятлар муҳайё этилади.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ҳамкорлик пахтачилик саноати соҳасида ҳам изчил тараққий этмоқда. Жаҳон бозорига ўзбек пахтасига қизиқиш йилдан-йилга ошиб, унга харидорлар сафи кенгайиб бораётди. Ўзбекистон пахтаси дунёдаги энг сара ва аъло сифатли пахта ҳисобланади. Шу боис бошқа ишбилармонлар қатори эронлик тадбиркорлар ҳам ўзбек пахтасига катта қизиқиш билан қарайди. Утган йилги ярмаркада йиғирма минг тонна пахта харид қилган эдик. Жорий йилда ушбу кўрсаткич янада ошади.

Лю Чан ХУ, «Xingjiang Puliant» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси директори (Хитой):

– Мазкур халқаро ярмарка Ўзбекистонда етиштирилган толани сотишнинг янги бозор механизмидан муҳим бўғинларидан бирига айланди. Бу галги анжуман ҳам Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг самарадорлиги, мамлакатингизда амалга оширилаётган ва давлатингизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган улкан тўб ўзгаришларнинг ёрқин намойиши бўлди. Анжуманнинг йил сайин нуфузи ва иштирокчилари сони ортиб бораётганини таъкидлашни истардим.

Ташкилотимиз Ўзбекистондан Хитойга пахта толаси ва йиғилган ип етказиб бериш билан шўғулланади. Ўзбекистон пахтасининг сифати жуда юқори. Бу бугун дунёдан харидорлар сонини кўпайтиришга хизмат қилаётди.

Ҳалид РАШИД, «Winc» компаниясининг бошқарувчи директори (Покистон):

– Пахта савдоси билан шўғулланувчи компаниямиз Хитой, Вьетнам, Бангладеш каби давлатларга пахта етказиб беради. Юқори сифатли ўзбек пахтасига талаб катта бўлгани боис йилга 25-30 минг тонна пахта толаси сотиб оламиз. Юртингизда етиштирилган пахта толаси узун ва пишқ, халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистонда пахтачилик мажмуини ривожлантириш борасида ҳар томонлама пухта йўланган стратегия амалга оширилмоқда. Бу ерда селекция, уруғни тўқимачилик, ҳосилини йиғиб олиш ва сақлашдан харид қилган пахта толасини истеъмолчиларга етказиб беришга бўлган барча жараён аниқ ишлаб чиқилган.

Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар иштирок этган мазкур анъанавий халқаро ярмарка биз, тадбиркорлар учун ўзаро ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

ЎЗА МУХБИРЛАРИ  
НОДИРА МАНЗУРОВА,  
ИРОДА УМАРОВА,  
МАДИНА УМАРОВА  
ЎЗИБ ОЛДИ.

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

## ЖАРАРИҚЛИК САНОАТ ОМИЛКОРЛАР

Ўзбор туманидаги Жарариқ қишлоқ тобора ошадиган бўлиб бораётди. Бунинг замирида қишлоқ аҳлининг омилкорлик билан қилаётган меҳнати муҳим.

– Юртимизда қишлоқларни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида бугун чекка ва олис худудларда ҳам аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги муттасил ошиб бораётди, – дейди «Жарариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хидир Бойсунов. – Қишлоқимиз аҳоли меҳнатсевар, юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг моҳиятини тўғри англайдиган янги замон одамларидир. Олти мингдан зиёд аҳолимизнинг аксарияти бирор фойдали ишнинг этагини тутган. Одамлар бир-бирига ҳавас билан қарайди. Ана шу ҳавас уларни ҳаракатга, яратувчиликка ундайди.

Қишлоқда шу йилнинг ўзига 25 тадбиркор ўз бизнесини ташкил этди, қарийб 250 иш ўрни яратилди. Янгиллик интилувчан тадбиркорлар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳам ўзига, ҳам

қишлоқ аҳлига наф келтираётди. Хусусан, тадбиркорлар Отаназар Қодиров 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий паррандачилик фермасини ташкил қилди. Айни пайтда бу ерда етти минг бош парранда парваришланмоқда. Яна бир тадбиркор Чори Орипов ҳам аҳолига парҳез гўшт ва туҳум етказиб бераётди.

Жарариқлик Суон Эшонқулов ерининг ҳар бир қаричиндан унумли фойдаланганидан миришқорлардан. Сўнгги меҳнатда қотган бу одам ҳаётдан мамнунлиги, рўзгорининг баракасини ана шу ерга бўлган меҳрдан, деб билади.

– Ер бамисоли бир ҳазина, – дейди Суон ака. – Иккита иссиқхона лимон парварилаш, яхшигина даромад олаётган. Лимон етиштириш кўп меҳнат талаб қилса-да, бу бизни чўчила олмайди. Жорий йилда яна иккита иссиқхона қурмоқчимиз. Кишлоқ одамлари орасида иссиқхона қуриш, паррандачилик, асарличилик каби сердаромад тармоқларни ривожлантиришга қизиқиш тобора кўнаймоқда. Шу билан бирга, чорвачилик билан шуғулланаётган шахсий ёрдамчи ҳўжаликлар ҳам кўпайиб бораётди. – Чорвачилик билан шу-

ғулланиш туфайли рўзгоримиз бут, шинам уй-жойли бўлди, машина олди, – дейди чорвадор Шоймардон Бахриев. – Мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришга қаратилаётган эътибор, хусусан, қишлоқ жойларда чорва озуқаси сотиш шохбачаларининг очилиши биз, чорвадорлар учун катта қулайликлар яратди. Бунинг самарасида аҳоли сифатли гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бериш имконияти кенгаймоқда.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

## КЎРГАЗМАДАН КИНОФЕСТИВАЛГА ЎТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари икки томонлама манфаатли асосларда ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Унинг самараларини юртимизда корейлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган кўплаб корхоналар фаолияти ҳам кўрсатиб турибди. Шу кунларда юртимизда Корея Республикасининг «Ипак йўли қарвонлари» мавзuida ташкил этилаётган тадбирлари ҳам ана шу иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори даражага кўтариш мақсадида қаратилгандир. Бу тадбирлардан бири эса 17-18 октябрь кунлари Жиззах вилоятида ўтказилди.

Икки кун давомида вилоят маънавият-тарғибот маркази юзлаб фермер, деҳқон ҳўжаликлари соҳиблари, томорқачилар ва тадбиркорлар билан гавжум бўлди. Улар бу ерга Корея қишлоқ ҳўжалик минитехникалари ва мева-сабзавот, поли маҳсулотлари етиштириш бўйича технологиялар туркумлари билан танишиш учун келган эдилар. Кўرғазмага қўйилган қишлоқ ҳўжалик техникалари, қайта тикланадиган энергия ва муқобил ёнилғилар билан ишловчи турли ҳажмдаги иссиқхоналар уларда катта қизиқиш уйғотди. Улар кўрғазмадаги техника воситаларининг имкониятлари билан танишиб, қизгин мулоқотларга киришиб, шу ерининг ўзидек шартномалар имзолаш тараддуғига киришгандан ҳам билиш мумкин. – Мана бу техникалар деҳқонлар-



Пахтакор туманидаги «Анвар» фермер ҳўжалиги раҳбари Анорбой Эшматов, туман қишлоқ ва сўе ҳўжалиги бўлими бошлиги Шавкат Худойбердиев ва «Нўмон ота» фермер ҳўжалиги раҳбари Худойбердиев Нўмоновлар кўрғазма жараёнида.

бу ускуна томорқаларга уруғ экиш учун жуда қулай экан.

Шунингдек, тадбир доирасида мулоқотлар ҳам бўлиб ўтди. Корейлик қишлоқ ҳўжалик мутахассислари билан фермерларимиз таъриба алмашишди. Тадбир мобайнида ўтказилган кинофестивалда қизиқarli фильмлар намойиш этилди. Фестивалнинг очилиш маросимида вилоят ҳокимлиги, Корея Респуб-

ликсининг мамлакатимиздаги элчихонаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекино» миллий агентлиги вакиллари, кўплаб томошабинлар қатнашдилар. Фестивалда намойиш этилган фильмлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Келдиёр ЖҲРАКУЛОВ, Шодийёр ЙҮЛДОШЕВ, «Qishloq hayoti» мухбирлари.

### Навоий Вилояти

Вилоятда инвестиция асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириётган тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бораётди.

### «ЗУЛФИЗАР ҚУРИЛИШ САВДО» НОНЛАРИ

Кизилтепадаги «Зулфизар қурилиш савдо» хусусий корхонаси ҳам ана шундай корхоналардан бири бўлиб, у ўтган йили 540 миллион сўмлик инвестиция (260 миллион сўми ДАТ «Асака» банкнинг вилоят филиалига тегишли, қолгани тадбиркорнинг маблағи ҳисобига) билан фаолиятини бошлаган эди. Германиянинг «Вактел» фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу ерда бир кеча-кундузда 20 тонна ун қайта ишланиб, 20 турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиши йўлга қўйилди.

16 нафар киши хизмат қилаётган мазкур цехда уч навбатда иш ташкил этилиб, кунига 3000 та сифатли нон ишлаб чиқаришмоқда. Кунлик даромад 8 миллион сўмни ташкил этса, ойлик товар айланмаси 45 миллион сўмга етаяпти. Ушбу корхонага давлат томонидан жами 30 тонна ун берилган.

Цехдаги иш жараёнини кузатган киши машиналарнинг ўзи хамирни қориб, бўлақларга бўлиб, қолиқларга солиб, печларда нонларнинг пишириб чиқарилаётганининг гувоҳи бўлади. Касб ва техника сирларини гўхта эгалланган Нодир Яҳёев, Насрулло Ғайбуллоев, Камолддин Қайюмовлар ушбу механизмларни моҳирлик билан бошқаришмоқда.

Корхона мутахассиси Зафар Ғафуров корхонадаги ишлаб чиқариш ҳақида гапирар экан, цехга яна қўшимча ускуналар олиб келиш, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда келгусида чойхона, тивувчилик, пайнет ва бошқа хизмат кўрсатиш шохбачалари барпо этилиши ҳақида сўз юритди. Ана шунда яна 30-40 та янги иш ўрни яратилади.

Салима УМАРОВА

### Қашқадарё Вилояти

Жарариқлик саноат омилкорлари

### Жиззах Вилояти

## КЎРГАЗМАДАН КИНОФЕСТИВАЛГА ЎТИЛДИ



ХАЛҚ БАНКИ САРМОЯЛАРИ ФАРОВОНЛИК ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор туфайли иқтисодийлик барқарор ривожланиб бормоқда.

Андижон вилоятининг ҳар бир шаҳар ва туманларида тадбиркорларга яратилаётган шароит, имкониятлар туфайли ҳудуд иқтисодиётида уларнинг улуши кун сайин юксалиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишида Халқ банки Андижон вилояти филиали жамоасининг иштирокини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Республикада ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мамлакат банк тизимини кенг қўламда қамраб олиб, молия муассасаларига билдирилаётган ишончни янада ошириш орқали иқтисодиётнинг реал сектори ва истеъмол бозори инфратузилмасини тубдан тараққий топтиришга йўналтирилди. Бугунги кунда банкининг Андижон вилоятидаги 16 та туман филиали, 172 дан орტიқ минибанк, шохобна ва махсус кассалари орқали миқозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Банкининг вилоят филиали жамоаси томонидан Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозлик-овқат товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларига асосан жорий йилнинг ўтган даврида 5 миллиард сўмдан орტიқ кредит маблағи ажратилди. Жумладан, Қўрғонтепа туманидаги «Тараққиёт» фермер



хўжалиги банкдан олган 160 миллион сўм кредит маблағи ҳисобиغا ҳориждан 40 бош насли қорамол сотиб олиб, хўжалик фаолиятини янада кенгайтирди. Натijasида хўжаликда 10 дан орტიқ янги иш ўрни яратилди.

— Хориждан эътибор сизнинг сотиб олиш таклифини бизнинг доимий молиявий ҳамкоримиз ҳисобланган Халқ банк хўдимида беришган эди, — дейди хўжа-

лик раҳбари Баҳодир Комилжонов. — Хўжалигимиз нуфузининг ошишида банк хўдимидаги ёрдами катта эканлигини алоҳида таъкидлайман. Чунки қорамоллардан олаётган даромадимиз икки ҳисса ошди. Меҳнатинг самара берса, ёнингда сени қўллаб-қувватлаб турганлардан миннатдор бўламан.

Хўжалигимиз нуфузининг ошишида банк хўдимидаги ёрдами катта эканлигини алоҳида таъкидлайман. Чунки қорамоллардан олаётган даромадимиз икки ҳисса ошди. Меҳнатинг самара берса, ёнингда сени қўллаб-қувватлаб турганлардан миннатдор бўламан.

Хўжаобод туманидаги «Тилло вул текстил» хусусий корхонаси

банкдан олган 200 миллион сўмлик кредит эвазига ҳозирги кунда сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тадбиркорлик туфайли 18 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Тадбиркорлик субъектларидаги машиини хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида банк томонидан жорий йилда 2,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, Андижон шаҳридаги «Ис-

ломбек Дониёрбек» хусусий корхонаси жамоаси Халқ банкининг молиявий кўмаги натижасида фаолиятини янада кенгайтириб, катта ютуқларга эриша бошлади.

— Банкдан олган 100 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий мебель ишлаб чиқариш учун дастгоҳ ва ускуналар сотиб олиб, ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Шерзодбек Мусаев. — Ҳозирги кунда 10 га яқин турдаги мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаряпмиз. Шу орқали корхонада 15 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятнинг энг чеҳра ҳудуди — Булоқбоши туманида истикомат қилувчи яқна тартибдаги тадбиркор Шерзод Аввалов ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида Халқ банкининг Булоқбоши филиалидан 60 миллион сўм кредит маблағи олди.

Дарвоқе, банк филиали «Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ҳам дастурга мувофиқ ишлаб чиқилган махсус тартиб асосида бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Халқ банкининг шаҳар, туман филиаллари, минибанклар ва шохобчалар ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги оилалар билан доимий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ёш оилаларга 1 миллиард 342 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ҳамда оилавий тадбиркорларга 494 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Халқ банки ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш йўналишидаги дастурларга киритилган инвестицион лойиҳаларни, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда.

Банк матбуот хизмати



СПОРТ ЖАҲОН ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Кеча тонгда Тошкент халқаро аэропортида Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилган 2012 йилги жаҳон чемпионатида ғолиб бўлган футболчиларимиз тантанали кутиб олинди.




Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, журналистлар иштирок этди. Президентимизнинг Фармонида мувофиқ ушбу чемпионатда ғолибликни қўлга кiritиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун футбол бўйича Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси бош мураббийи Мавзурхўжа Умархўжаев «Дўстлик» ордени, футболчилар — Ҳакимжон Ҳасанов ҳамда Нуриддин Турсунов «Жасорат» медали билан тақдирланди.

2007 йили Туркияда, 2010 йили Аргентинада ўтган жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлган Ўзбекистон ноғиронлар терма жамоаси навбатдаги мусобақада ҳам чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Футболчиларимиз «В» гуруҳида Туркия, Япония, Либерия, Англия ва Украина терма жамоалари устидан катта устунлик билан ғалаба қозониб, биринчи ўринни эгаллади. Ярим финалда 2010 йилги жаҳон чемпионати финалчиси — Аргентина терма жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритилди. Финалда эса вакилларимиз мезбон жамоага қарши тўп суриб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шу кунги Ўзбекистон футбол федерацияси босирида ампутантлар терма жамоаси билан биргаликда ўзининг терма жамоасини тақдирлашга бағишланган тадбирлар ҳам бўлиб ўтди.

Дўшда Нуралиев мураббийлигидаги 1996 йилда туғилган футболчилардан иборат Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2012 йилнинг 22 сентябрь — 6 октябрь кунлари Эронда ўтказилган Осиё чемпионати баҳсларида ғолиб



ШАХМАТ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида шахмат бўйича «Indonezian Open Chess Championship-2012» иккинчи халқаро мусобақаси ўтказилди. Аънанвий тарзда ўтказилиб келинаётган мазкур турнирда 20 давлатдан 106 нафар шахматчи иштирок этди. Туркидан иборат мусобақа якунига қўра, биринчи ҳамда иккинчи ўринларни 7.5 очкодан жамғарган хитойлик Ю Янги ва Ли Чао банд этишди. 3-9 ўринларни эса 6.5 очкодан жамғарган 7 нафар шахматчи эгаллашди. Уларнинг орасида ҳамюртимиз Марат Жумаев ҳам бор. Мазкур нуфузли турнирда иштирок этган яна бир ёш шахматчиси Авазбек Эшбоев 4 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Агарда турнирда қўллаб қўлчи шахматчилар, хусусан, 36 нафар гроссмейстер ҳамда 22 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси иштирок этгани инобатта олинса, ёш шахматчиси қайд этган натижани ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

КУЗ НЕЪМАТЛАРИ ҚОВОҚДАН ТУРЛИ ТАОМЛАР

Қовоқдан тайёрланган таомлар нафақат тоғли, балки шифобахш ҳамдир. Ошқовоқнинг пўстини арчиб, майдалаб тўғралди. Сўнгра қиздирилган ёғда паст оловда димланади. Инсонга бардамлик бахш этувчи бу таом иштаҳани очди. Шу билан бирга, инсулт, инфаркт ваки хавфли касалликларнинг олдини олиши ҳам мумкин. Янги пишган қовоқ паррак-паррак қилиб майдалана-

ди. Таом янада лаззатли бўлиши учун озгина кўзиқорин, помидор, бир ош қошиқ ун, сметана, қиздирилган ўсимлик ёғини солиб аралаштирилади. Унга белаб, думалак ясси шаклда газ патнисига тергач, майдаланган пишлоқ сепилиб, духовкада тила ранга киргунча пиширилади. Тайёр таом устига қўқат сегиб дастурхонга тортилади. Қовоқни муштдек бўлақларга бўлиб, манти қосқиринга тергач, ҳар бири устига озгинадан туз, мурч, халқа шак-



шакар солиб, тортилади. Ҳаят шифобахш бу таомни истеъмол қилиш фойдали.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Эълонлар

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 6 ноябрь кунин соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қайта савдога соз ҳолатда бошлангич баҳода қўйилмоқда:

Улуғнор тумани СИБ томонидан хатланган: ЖИБ Улуғнор тумани судининг 2011 йил 17 майдига № 1-45-11-сонли ижро варақасига асосан, Улуғнор тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 й. и/ч «ТТЗ 8011» русумли, д/р 65-09 ЕШ, ранги яшил, бошлангич баҳоси 11 866 450 сўм; ЖИБ Улуғнор тумани судининг 2011 йил 26 октябрдаги № 1-150-11-сонли ижро варақасига асосан, Улуғнор тумани «Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди» ҳовлисида сақланаётган, «ТТЗ» ДЖХ да 2007 й. и/ч «ТТЗ 8011» русумли, ранги яшил, бошлангич баҳоси 14 763 000 сўм.

лидаги МФО: 00069, ИНН: 302083379, 20208000204932168006 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиши учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш манзили: Андижон шаҳри Навоий шўх кўчаси 30-уй, 106-хона. Тел: (+99891) 124-57-64.

Гувоҳнома № 004059

Тошкент Давлат Техника Университети томонидан Ризаев Озодбек Бахромжон ўғли номига берилган 0190 рақамли рейтинг дафтари ва талабалик гувоҳномаси йўқлигини сабабни билан қайтаришди.

Дочернее Индонезийское предприятие «UPM SERVICE» (ИНН 205928307) зарегистрированное в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан (реестр № 515, 26.12.2005 г.) объявляет о реорганизации в Индонезийское предприятие в виде ООО «UPM SERVICE». Присоединяемому по всем обязательствам дочернего Индонезийского предприятия «UPM SERVICE» является ИП ООО «UPM SERVICE». Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 140-19-57.

Уверенный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Сергеевский р-н Куй-люк-7 д. 8 к-р-а 40, выданный БТИ Сергеевского р-на на имя Абдураманова Рашида Абдурамановича, считать действительным.

Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Қабулхона — 236-58-83, Котибят — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Мазнавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Халтар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

Коракалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.30 15556 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турган» кўчаси, 41-уй.



ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ҳар қайси давлатнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти унинг тилида ўзифодасини топади. Тил — миллат кўзгуси, деб бежиз айтилмаган.

Гулчеҳра НАМОЗОВА, Жиззах туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Халқимизнинг неча асрлик бой тарихи, кўҳна ва серқирра маданияти ўзбек тили таъсирида шакллانган. Улуғ шоиримиз Алишер Навоий шу тилда бебаҳо асарлар яратиб, дунёни лол қолдирган. Бугунги кунда жаҳоннинг барча мамлакатларида давлатимиз делегациялари ташрифи, ёшларимиз ютуқлари, спортчиларимиз ғалабалари шарафига ўзбек тилида мадҳиямиз қўйланаётир.

Она тилимиз номигагина ўқитилган, бу фанга дарс соатлари кам ажратилган даврлар ҳамон эсимизда. Бугун ўзбек тили фанининг аҳамияти қанчалик бекибс эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Шу туфайли ўқувчиларнинг ўз она тили ва адабиётини ўрганишга қизиқиши кучли. Ёшларимизнинг она тилимизга ҳурмат ва муҳаббатини кўриб, шу фандан дарс бераётганимдан гурурланаман.

Мен дарс бераётган 5-умумтаълим мактаби тумандаги йирик таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. 2008 йилда тўлиқ реконструкция қилинган мактабимизда етти нафар малакали ўқитувчи ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бераётир.

Мактабимиздаги она тили ва адабиёти тўғрарига қатнаётган ўқувчиларнинг бу фандан олаётган билими янада чуқурлашмоқда. Шунингдек, мактабда ўзбек тили ва адабиётини ўрганишни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Тил — миллат кўзгуси», «Она тилим — жони дилим», «Уйла, изла, топ» каби адабий-бадиий кечалар, викториналар мунтазам ўтказилиб борилаётмоқда. Бунинг самарасида ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида вилоятда юқори ўринларни эгалламоқда.

Ҳар йили мамлакатимизда ўзбек тили ва адабиёти фани олийгини ўтказиш янги анъанага айланди. Ойлик давомида бизнинг мактабимизда ҳам «Тил байрами» бўлиб ўтади. Унда мазкур фанларни янги ўлаштираётган ёшлар муносиб рағбатлантирилади. Бундай тадбирлар ўқувчиларда она тилимизга — давлат тилига бўлган қизиқишни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ. Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-комплекс тартибдаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РУЗИЕВ, Улукбек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдиқавоб ТАМИКБЕК, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Олжонкул ЮНУСОВ, Анвар КУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ГУЛОМОВ, Муродмурод АБДУСАМАТОВ (Масъул қопиб).

Телефонлар: Қабулхона — 236-58-83, Котибят — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Мазнавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Халтар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.

Навбатчи муҳаррир: Х.МУМИНОВ. Муассислар: Мусаев А. О. ОЧИЛОВ. Дизайнер: М.БОБОМУHAMMEDOVA.